

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Ҳайдаров	
Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва	
моҳияти.....	101
Т.Ахмедов	
Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни	106
Ғ.Раҳмонов	
Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган	
ислоҳотлар ва уларнинг натижалари.....	110
С.Ахмедов	
Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари	
темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли	
манба сифатида.....	115
Р.Расулова	
Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида	121
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
А.Сабирдинов, Д.Муратова	
Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи	126
Э.Жабборов	
Ўзбек миллӣ адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
Б. Абдураҳмонова	
“Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138
ТИЛШУНОСЛИК	
Ғ.Хошимов, Н.Комилова	
Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар	
майдонининг қиёсий тадқиғи	144
Н. Умарова	
Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм	
структураси.....	149
Г.Розикова	
“Девону луготит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши	155
А.Базарбаева	
Инглиз тили дарслекларида машқлар тақдимотининг назарий асослари	160
Д.Рахматуллаева	
Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
Б.Баҳриддинова	
Замонавий ўқув лугатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
Н.Суярова	
Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг	
шаклланиши	172
Б.Сулаймонов	
«Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ф.Тошпўлатова	
Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш	
тамоийллари	180
Г.Сайдова	
Бошлиғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва	
воситалари	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грусдков, В.А.Каримов	
Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	

ТАРИХ

УДК: 93/99+008

**АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙНИНГ “МАТЛАИ САЪДАЙН ВА МАЖМАИ БАҲРАЙН”
АСАРИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ЖАРАЁНЛАР ТАВСИФИ
БҮЙИЧА ҚИММАТЛИ МАНБА СИФАТИДА**

**КНИГА «МАТЛАИ САЪДАЙН ВА МАЖМАИ БАҲРАЙН» АБДУРАЗЗАКА
САМАРКАНДИ КАК ЦЕННЫЙ ИСТОЧНИК ОПИСАНИЯ КУЛЬТУРНО-
ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ ПРОЦЕССОВ ПЕРИОДА ТИМУРИДОВ**

**«MATLA AL-SADAYN WA-MAJMA AL-BAHRAYN» OF ABDURAZZAK SAMARKANDI
AS A VALUABLE SOURCE ON THE DESCRIPTION OF CULTURAL AND EDUCATIONAL
PROCESSES OF THE TEMURID PERIOD**

С.Ахмедов¹

ЎзМУ, тарих факультети, манбашунослик ва
архившунослик кафедраси таянч докторант.

¹С.Ахмедов

Аннотация

Темурийлар даври воқеаларини ўрганишда қимматли манба хисобланадиган Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида кўплаб соҳаларга оид маълумотларни олишимиз мумкин. Манбада темурийларнинг сиёсий-ижтимоий ва жанговар фаолиятларидан ташқари маданий-маърифий жараёнларга оид маълумотлар ёритилган. Мақолада айнан маънавий-маърифий жараёнларга оид қандай маълумотлар олишимиз мумкинлиги ҳақида сўз юритилади.

Annotation

Произведение «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» Абдураззака Самарканди, являющееся ценным источником для изучения событий периода Тимуридов, содержит обширную информацию о многих сферах деятельности. В источнике, помимо деятельности Тимуридов в политической, социальной и военной сферах, мы также можем получить информацию о культурно-просветительских процессах. Статья подсказывает нам, какую именно информацию мы можем получить о духовно-просветительских процессах.

Annotation

Abdurazzaq Samarkandi's "Matlai Sadain wa Majmai Bahrain", which is a valuable source for studying the events of the Timurid period, provides profound information in many areas. In the source, in addition to the activities of the Timurids in the political, social and military spheres, we can also obtain information about the cultural and educational processes. The article discusses exactly what information we can get about the spiritual-enlightenment processes.

Таянч сўз ва иборалар: Темурийлар, Абдураззоқ Самарқандий, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Шоҳруҳ Мирзо, Улуғбек Мирзо, маданият, манбалар, тарих.

Ключевые слова и выражения: Тимуриды, Абдураззак Самарканди, «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Шахруҳ Мирза, Улугбек Мирза, культура, источники, история.

Key words and expressions: Timurids, Abdurazzak Samarkandi, Matla al-sadayn wa-majma al-bahrayn», Shahrurukh Mirza, Ulugbek Mirza, culture, sources, history.

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари темурийлар даврига оид энг муҳим манбалардан биридир. Унинг ўзбек тилига таржима қилинган қисмida Амир Темур вафотидан то Ҳусайн Бойқаро таҳтга ўтирган вақт оралиғидаги (1405-1440 й.) темурийлар давлати ҳудуди, айниқса, Ҳурсон ва Мовароуннахрда рўй берган асосий тарихий воқеалар солннома тарзида йилма-йил баён қилинган. Абдураззоқ Самарқандий ўша даврдаги маданий ҳаёт ҳамда темурий ҳукмдор ва маликаларнинг бунёдкорлик фаолиятини тасвирлашга катта аҳамият берган. Шунингдек, темурийлар

давлатининг Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан дипломатик алоқаларини тасвирлашга ҳам кенг аҳамият берган. Бу асар ўтмиш маънавий меросимиз мухлислари эътиборини қозониб, XV аср Марказий Осиё тарихининг Ўзбекистонда янада чуқурроқ ва кенгроқ тадқиқ қилинишига катта ёрдам беради.

Асар муаллифи дунёга машҳур Абдураззоқ Самарқандий бўлиб, ҳижрий йил ҳисоби билан 12 шаърон 816 (милодий – 7 ноябрь, 1413) илии Ҳирот шаҳрида туғилади. Унинг тўлиқ исми Камолуддин Абдураззоқ, отасининг исми Жалолиддин Исҳоқ Самарқандийдир. У Ҳиротда туғилган

бўлса-да, “Самарқандий” деган нисба билан машхур бўлганлигига сабаб, отаси Жалолуддин Исҳоқнинг Самарқанд шаҳрида яшаб турганлигидир[1,11]. Абдураззок Самарқандий ўзи ва шу давр тарихнависи Мирхонднинг таъкидлашича, Жалолиддин Исҳоқ Шоҳруҳ Мирзо саройида мулозимликда бўлиб, кўп йиллар давомида унинг ўрдасида имомлик ва қозилик мансабини ўтаган. Абдураззок Самарқандий 24 ёшигача таълим-тарбия олиш ва мадрасада ўқиш билан шуғуллангач, 1437-1438 йили Ҳиротдаги темурийлар саройига хизматга қабул қилинади. У тафсир, ҳадис, тил ва адабиёт илмларини пухта эгаллаган. Абдураззок Самарқандий ҳам отаси сингари саройда хизмат қилишини Шоҳруҳ таъкидлаган бўлса ҳам, унга отасининг вазифасини топширмади. У яхши хулқли киши бўлиб, Шоҳруҳ Мирзо саройида шайх хонақо[2,] лавозимида ишлаган[3,94]. Чунки у эндиғина 24 ёшга чиққан эди. Шу боисдан, унга бундай лавозимнинг топширилиши мушкул эди. Шоҳруҳ Мирзонинг буйруғига биноан барча кўрган-кечиргандарини қоғозга тушириб юрган.

Темурийларнинг Ҳиротдаги саройида бу вақтларда ривожланган диний ва дунёвий

Мавлоно Жалолуддин мавлоно Муҳаммад садр билан биргаликда: «у ўзи толиби илм бўлиб билимини мукаммаллаштиргагану мулозамат қилиб юрибди» — дедилар. Қитъа:

Фазлу ҳунар аҳлига нисбатан барчаси бадҳоҳ бир жамоат,
Доно кишиларга нисбатан барчаси бадгўй бир жамоат,
Тошни гавҳардан фарқ қила билмайдиган бир жамоат,
Атласни хородан ажратса олмайдиган бир жамоат,
Бундай жамоатнинг дили нопоклиги туфайли.

Агар хотирлардан тонг шабадаси ўтса, гармсепга айланади. Инсофлилик сифати билан афзалликка эга бўлган диний арбоблардан бири бу варакларни битувчи (Абдураззок) бир гурух мударрислардан устун эканлигини арзга етказган. Мавлоно Шаҳобуддин Лассон ва ҳазрат ҳоқони саъид у гурухнинг исмларини сўради. У тўғри сўзли жаноб мавлавий бир неча кишини санаб, аниқ номларини атади, жумладан, улардан бири улуғ мавлоно Ҳожи Муҳаммад Фароҳий эди” [4].

“Матлаи саъдайн”да келтирилган муаллифнинг ўз ҳаётига доир маълумотларга қараганда, дастлаб ўзи яхши билган илмларни етказиб турувчи мулозим бўлган Абдураззок, мазкур имтиҳондан кейин темурий ҳукмдорлари наздида анча эътибор қозониб, энди давлат ишларида ҳам фаол иштирок эта бошлаган.

Абдураззок Самарқандий Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида ва ундан кейин ҳам кўпроқ темурийлар сулоласи ҳукмдорларининг ўзаро таҳт учун олиб

илмлар, шариат қонун-қоидаларининг баъзи жузъий масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида хизмат қилиб юрган. Лекин, унинг темурийлар саройида тутган мавқеи оддийгина мулозимлик даражасидан юқори бўлган. Бунинг далили шуки, Абдураззок Самарқандий сарой хизматига ўтганига икки йил тўлгач, “у сарой хизматига лойиқ эмас, бу даража билимига эга эмас”, деган мазмунда иғво тарқатилади. Буни эшитган Шоҳруҳ Мирзо уни имтиҳон қиласи ва синовда Ҳиротнинг кўзга кўринган уламолари иштирок этади. Бу синовдан Абдураззок ишонч билан ўтади ва ўз тенгдошлари орасида билимдонроқ эканлигини исботлайди[4,91]. Бу маълумот унинг мазкур асарида ҳам баён қилинган: “Шу йили ҳазрат ҳоқони саъид бу варакларни битувчи Абдураззок ибн Исҳоқни имтиҳон қилди. Бунинг сабаби куйидагича эди: Оятда: “унинг бўйнида хурмо пояси пўстлогидан тўқилган арқон бўлади” дейилганига монанд бир гурух ғаразгўй ва ҳасадчи кишилар ўзларининг ифлос нафслари тақозоси ва нопок табълари иғвоси бўйича бу факир ҳақида иғво тарқатдилар.

Мавлоно Жалолуддин мавлоно Муҳаммад садр билан биргаликда: «у ўзи толиби илм ота-боболарининг ишини қўйиб подшоҳга

борган курашига, уларнинг ташқи давлатлар билан олиб борган дипломатик ёзишма ва элчилик алоқаларига оид ишлар билан шуғулланган.

Абдураззок Самарқандий эллик ёшга чиққунича дастлаб Шоҳруҳ, сўнг унинг ўрнига таҳтга ўтирган бошқа темурийлар саройида давлат ишлари билан машғул бўлган. Абдураззок Самарқандий Шоҳрухнинг вафотидан кейин бирин-кетин таҳт алмашган темурийлар: Мирзо Абдулатиф, Мирзо Абдулло, Мирзо

ТАРИХ

Абулқосим Бобур, Мирзо Абу Саъид ва бошқалар хузурида сарой хизматида бўлган [1,18].

Кейинчалик бу хонадон хукмронлик даври тарихини ёзишига замин тайёрлаган. Абдураззоқ Самарқандийнинг Шоҳруҳ саройида “мулозимлик қилган давридаги асосий машғулоти дипломатик ёзишмаларни олиб бориша қатнашиш ва шахсан элчи сифатида хизмат қилиш бўлган десак, унинг фаолиятига тўлароқ баҳо берган бўламиз [5,9].

Унинг элчилик соҳасида ҳам иштирок этганлиги бизга маълум. Элчилик алоқаларини амалга оширишда унинг иштирок этганлигига унинг ўз элчилик сафарлари ҳақида келтирган ахборотлари яқол далил бўла олади. Шоҳруҳ Абдураззоқ Самарқандийни имтиҳон қилганидан икки йил ўтгач, уни Жанубий Ҳиндистондаги порт шаҳар Коликутга ва Вижаянагар давлатига элчи қилиб юборади. 1442 йилнинг 13 январида Ҳиротдан йўлга чиқкан Абдураззоқ Самарқандий Шарқи-жанубий Эрон ерлари, Арабистон ярим ороли орқали қуруқлик ва денгиз йўли орқали юриб, 1442 йил 17 октябрда Коликутга етиб боради. Элчилар бу шаҳарда беш ой туриб, сўнг Вижаянагарга ўтишган, у ерда эса 1443 йилнинг охиригacha бўлиб, шу йили 5 декабрда қайтишга отланишган ва 1444 йилнинг декабрь ойида Ҳиротга қайтиб келишган. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистондан қайтганидан кейин, темурийлар саройида яна “мулозимлик” қилишда давом этган ва айрим ҳолларда Шоҳруҳнинг элчиси сифатида Ҳиротдан бошқа ерларга ҳам юборилган. Масалан, Шоҳруҳ Мирзо Шимоли-ғарбий Эронга юриш қилганида Абдураззоқ Самарқандий ҳам у билан бирга боради ва у ердан уни Гилон вилоятига элчи қилиб юборади. Абдураззоқ

“Мавлоно Абдураззоқ Мавлоно Абдулқаҳҳорнинг инисиdir. Хушмуховара киши эрди, зоҳир илмни таҳлил қилиб эрди. Ҳусусан, тарих илмиким, онда мусаннафоти бор машҳурдир ва ҳар киши бу фанда аниңг маҳоратин билай деса, ўз тарихидан била олур. Бу матлаъ аниңгдурким:

Боз абру кард боло турки тийрандози ман,

Оламаро кушту дорад ин замон андози ман” [6,37].

Навоийнинг бу маълумотларига таянадиган бўлсак, улар бир-бирлари билан таниш бўлишган ва ҳамсуҳбат бўлишган.

Абдураззоқ Самарқандий томонидан ёзилиб, бизгача етиб келган ёдгорлик ҳозирги кунгача биргина “Матлаи саъдайн”дир. Унинг асрдоши бўлган

Самарқандий Гилон ҳокими амир Муҳаммад билан музокараларни тамомлаб, Рай шаҳрига қайтиб келади ва бу ерда Шоҳруҳ билан учрашади. Шоҳруҳ энди уни Миср султони қошига элчиликка тайинлайди. Аммо, Шоҳруҳ Рай шаҳридалигида (февраль-март, 1447 й.) вафот этади. Унинг вафотидан кейин ҳам шаҳзодалар ўртасида таҳт учун кураш бошланиб кетади. Натижада Мисрга юбориладиган элчилик ҳам амалга ошмай қолади. Шоҳруҳнинг вафотидан кейин ҳам Абдураззоқ Самарқандий темурийларнинг Ҳиротдаги саройида давлат ишлари билан машғул бўлади. Улуғбек ва Абдулатифлар билан анча яқин бўлади ва Абулқосим Бобур Ҳурросон таҳтини эгаллагач, унинг хизматида бўлади.

1458-1459 йиллар воқеалари баёнига кўра, у ўша йили Ҳиротни эгаллаган элчиси сифатида Астрободга сафар қилади. Чунки, шу йили Астрободни Султон Ҳусайн Бойқаро эгаллаган, у билан музокаралар олиб бориш вазифасини Абу Саид Абдураззоқ Самарқандийга топширган эди. Унинг давлат ишларидаги фаолиятига оид ўз маълумотлари ана шу Астробод элчилиги билан тугайди. Шундан кейин у Ҳиротдаги Шоҳруҳия хонақоси шайхлик лавозимида ишлай бошлайди. 26 йил давомида ҳукумат ишларida қатнашиб, элчилик вазифаларини ўтаб келган Абдураззоқ шайхлик мансабига ўтириб, дунё ишларидан чекинди, деб ўйлаш мумкин. Лекин “Матлаи саъдайн”да келтирилган муҳим тарихий маълумотларнинг жонли, ҳаётий тарзда акс эттирилиши уларни ўз даврининг сиёсий ва маданий ҳаётидан тўла хабардор бўлиб турган киши ёзганлигидан дарак беради.

Унинг замондоши бўлган Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида Абдураззоқ ҳақида шундай ёзган:

тарихнавис Хондамир, гарчи Абдураззоқнинг бир нечта асари бўлганлигини эслатиб ўтган бўлса ҳам, “улардан “Матлаи саъдайн”нинггина номини атаган [1,9].

Абдурассоқнинг йигитлик чөгларида ёзib Шоҳрухга тақдим қилинган араб тили грамматикасига доир рисоласи ҳам бўлган. У рисола араб тили мутахассиси Қози Азуддиннинг араб тили грамматикасига оид “Рисолайи Азуддий” номли асарининг шарҳидир. Лекин, у бизгача етиб келмаган.

Мазкур рисола ҳақида “Матлаи саъдайн”да куйидагича маълумот бериб ўтади: “Бу фақири ҳақир диний илмларни таҳсил қилиш ва маорифи яқинияни такомилига етказиш асносида ҳақиқатшунослар раҳбари мавлоно Қози Азуддиннинг ҳарфлар, исми ишорат ва бошқаларнинг маъноларини тадқиқ қилишга бағишиланган ва у маъноларни энг яхши бир тарзда изоҳлаб, фойдалар ҳилолларию қимматбаҳо дурларни жамълагани бир рисолага шарҳ туздим ва ёпиқ мушкилотлар ҳам арабият фани муҳиммотлари юзидан шубҳалар пардасини яхши бир тарзда кўтардим”[4,73].

Абдурассоқ Самарқандий ўз асарини асосан 1467-1470 йиллар орасида ёзib тамомлаган ва 1470 йили уни яна давом эттириб, шу йилнинг август воқеалари кечмишларини қўшиб, тугаллаган.

Асарнинг номи: “Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи” дан англашилиб турибдики, Абдурассоқ Самарқандий ўз китобини икки жилдга бўлиб тузган. Икки саодатли юлдуз ва икки денгиз тушунчалари нимага ишора эканлигини муаллиф асарида баён қилмаган. Шунга кўра, тадқиқчилар томонидан саодатли юлдуз асарнинг биринчи ва икkinchi жилдларида номи зикр этилган бири Чингизхон, икkinchi Амир Темур авлодидан бўлган Абу Саъдлар, икkinchi ярмидаги икки денгиз эса асарда дастлаб Чингизхон авлодидан бўлган ҳукмдор ҳақида гап бориб, унга Амир Темурнинг тарихи уланиб кетиши ёки биринчи жилдда асосан Амир Темур ҳақида гап бориб, икkinchi жилд Шоҳрухнинг тахтга ўтириши билан бошланиши ва бу икки шахснинг ҳукмдорлик тарихи бир – бирининг давоми эканлигини уқдириб ўтишдир.

Асарнинг нега бундай аталиши борасида илмий адабиётларда тахминий икки фикр баён қилинган. Асар номининг биринчи ярми “Икки саодатли юлдузнинг чиқиши” сўзлари ҳукмронлик даврлари тарихи баён қилинган бири мўғуллар,

иккинчиси темурийлар сулоласидан бўлган, икки Абу Саъидга ишора, иккинчи ярми – “Икки денгизнинг қўшилиши” эса, асарда мўғуллар сулоласи уланиб кетганлигига ишора деган Чармоу. А. Кримский эса, бу фикрни рад қилиб, асар номининг ҳар иккала қисми ҳам Темур билан Шоҳрухга ишора эмасмикан, деган. Бироқ, бизнингча, асар “Матлаъ ус-саъдайн” сўзининг луғавий маъноси “Икки саодатли юлдузнинг чиқиши жойи” эканлигини эътиборга олсан, бу, албатта, асарнинг икки жилдан иборат эканлигига ва шу билан бирга икки жилднинг бошланишидаёқ номлари тилга олинган “саъд” сўзини ўз ичига олган исм билан аталувчи икки шахсни ифодалаши керак. Шунга биноан, бу “Саъд”лардан бири биринчи жилднинг бошланишида номи зухур қилинган мўғул Абу Саъид, иккинчиси эса, иккинчи жилднинг бошланишидаги XV-XVI асрлар адабиётида “Султон Саъид” лақаби билан аталган Шоҳрухдир. Иккинчи жилднинг охирида сўзланган Абу Саъд эмас. “Икки денгизнинг қўшилиш жойи” эса, асар икки жилдан иборат бўлса ҳам, лекин жилдлар мазмунан бир-бирига уланиб кетишига ва шу билан бирга икки ҳукмрон, яъни, Темур ва Шоҳрухнинг тарихи бир-бирига қўшилганлигига ишора бўлиши керак. Агар шу нуқтаи назардан қарасак, асар номининг иккинчи қисми борасида А. Кримскийнинг мазкур фикри тўғридир[5,20-21].

Бу фикрлар асар мазмуни билан таққослаб қўрилганда, уларнинг ҳар бири ҳам маълум асосга эга эканлиги ойдинлашади. Яъни, асарнинг биринчи жилдидаги қисқа бўлса-да Чингизхон авлодидан бўлган Эрон ҳукмдори Абу Саъид (1316-1335) ҳақида гап бориб, сўнг унинг вафоти йили, яъни 1336 йили туғилган Амир Темур тарихи бошланади ва умуман бу жилда 1304 йилдан 1405 йилгача Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, қисман Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар тарихига оид маълумотлар келтирилади. Тарихий воқеалар баёни Амир Темурнинг 18 февраль, 1405 йили Ўтрорда вафот этганлиги, унинг набираси Халил Султоннинг Самарқанд тахтига ўтирганлиги билан тугайди.

Иккинчи жилдда эса муаллиф бош сўзида Амир Темурнинг авлодлари ҳақида сўзламоқчи эканлигини айтиб, воқеалар

ТАРИХ

баёнини Шоҳрухнинг Ҳирот таҳтига ўтирган вақтидан, 1405 йил мартдан бошлайди. Сўнг у Шоҳрух вафотидан (1447) кейин ҳукмдорлик қилган темурийлар: Мирзо Абулқосим Бобур (1452-1457), Абу Саъд (1451-1469) ва бошқа шу орада таҳтга ўтирган, аммо ҳукмронлиги кўпга бормаган шаҳзодалардан сўйлаб бўлгач, Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротда иккинчи марта таҳтга ўтириши ҳақидаги хабар билан яъни 1470 йил август билан асарни тугатади.

Асарнинг биринчи қисми тарихий ва географик асарлар ёзиш бўйича машҳур бўлган тарихнавис ва географ Ҳофизи Абронинг “Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий” номли асаридан фойдаланиб ёзилган. Бундан ташқари бошқа асарларни ҳам бунга жалб қилган. Ҳофизи Абронинг асарини тўла кўчириб олиш баробарида, уни таъкидлаб, “Ҳофизи Абронинг “Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий” асари шу ерга келиб тугади, деб эътироф этган[1,24]. “Шу ерда фасиҳлару мутакаллимларнинг энг фасоҳатлиси, насабнома тузувчилару солномачиларнинг энг билимдони, шоншавкат қоидалари муншийси, унудилиш тугунида қолган фахрли ишларни намоён қилувчи, улуғ султонлар ҳамнишини, мағрур хоқонлар улфати, тангри инояти билан тақдирланган, миллат ва дин нури, туғилган жойи бўйича Ҳеравий, насаби бўйича Ҳамадоний нисбали Ҳофизи Абру лақаби билан машҳур бўлган тангри кечиргур Нуруддин Лутфуллоҳнинг «Зубдат ат-таворих ал-Бойсунғурий» номли асари тугади. Унинг вафоти тарихи ва дағн қилинган жойи ушбу байтда келтирилган. Байт:

Саккиз юз ўттиз тўртинчи йил шаввол ойида (12 июнь — 10 июль, 1431) Зинжон шаҳрида Ҳофизи Абронинг вафоти рўй берди”[1,483].

Асарнинг айрим масалалар бўйича қисмлари Европа тилларига ҳам таржима қилинган. Таржималар орасида энг дикқатга сазоворлиси француз шарқшуноси Картмернинг 1843 йили Парижда нашр этилган ишидир. Унда Амир Темурнинг кенжা ўғли Шоҳрух ҳукмронлик даври (1405-1447) дан бошланғич ун уч йили (1405-1417) га оид тарихий маълумотлар форс тилидан француз тилига таржима қилинган ҳамда Картмер таржима охирида Абдураззоқ Самарқандийнинг 1442-1444

йиллардаги Ҳиндистон сафарномасини ҳам французча таржимаси ва форсча матни билан келтирган. Бироқ, бу таржималар асарнинг бирор жилдини ҳам қамрамайди. Бу қимматли асарни 1969 йилда Тошкентда иккинчи жилдидан биринчи қисми, яъни 1405, 1428-1429 йиллар воқеаларини ўз ичига олган боблари ўзбек тилида китоб тарзида нашр этилган. Бу қисмдаги 1405-1427 йиллар воқеаларини Абдураззоқ Самарқандий ўзидан олдин ёзилган тарихий асарлардан, хусусан, “Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий”дан фойдаланиб ёзган. Бундан кейинги нашр этилган қисм 1429-1470 йиллар воқеаларига бағишланниб, Абдураззоқнинг ўзи бевосита иштирокчи ёки замондош бўлган ҳамда тарихий асар ёзишдан илгари қаламга олиб юрган воқеалар баёнидир. Бу асарни ўзбек тилига таржима қилган олим тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Асомиддин Уринбоевdir.

Ҳозирда маълум бўлишича, дунёдаги Шарқ қўлёзмалари сақланадиган йирик кутубхоналарнинг деярли барчасида “Матлаи саъдайн”нинг бир ёки бир неча нусхаси учрайди. Шарқ қўлёзмалари каталогларидан маълум бўлишича, асарнинг иккинчи жилди қўлёзмаларининг 20 тадан ортиғи дунё кутубхоналарида мавжуддир. Бу қўлёзма нусхаларининг барчасини жамлаб тузилган форсча танқидий матн ҳозирда мавжуд бўлмаса-да, покистонлик олим, профессор Мухаммад Шафенинг дунёдаги барча нусхаларни тўплаб нашр қилган китоби, унинг илмий ишлар учун ишончли матн бўлишига ёрдам беради ва биз, манбашунослар учун танқидий томондан фойдаланишига имкон беради.

Шу вақтгача “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”нинг маданиятга доир маълумотлари, яхлит бир тадқиқот доирасига жам қилиниб, атрофлича ўрганилмаган, кўплаб асарлардан олинган маълумотлар умумий тарзда баён этилган. Асаддаги маданий жараёнларга оид маълумотларни яхлитлаб, уларни тури бўйича бўлиб чиқиш, натижада маданиятнинг қайси жабҳалари гуркираб яшнаган ва, аксинча, унчалик ривожланмаган каби саволларга бир қадар жавоб топиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мазкур асардаги маданий жараёнларнинг қай тарзда ривожланганлиги, қандай маданий жараёнлар кўпроқ ривожланганлиги, бизга маълум бўлган маълумотларнинг бу асардаги ифодасига кўпроқ эътибор берилади. Маълумотларни ажратиб олган ҳолда, уларни туркумларга бўлиб чиқиш, тадқиқот жараёнида асарнинг таржима қилинган китобларини тўлиқ ўрганиб чиқиб, ундаги маданиятга доир ҳар бир маълумот алоҳида бир йўналиш бўйича ўрганилади. Натижада йигилган барча маданий жараёнларга оид маълумотлар бир-бирига яқинлигига нисбатан бир режа асосида бирлаштирилади. Ўша даврга оид айрим манбаларни ҳам қисман ўрганиб, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”даги маълумотларни ишончли ёки ишончли эмаслигини текшириб кўриш бир вазифа қилиб белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз тарихи жуда кадим замонларга бориб тақалади. Бу заминда қанчадан-қанча сулолалар ҳукмонлик қилмади! Улар ўз

ҳукмонликлари давомида маданий жараёнларга ҳам таъсирларини ўтказиши. Бизнинг тарихимизда ўзларининг улкан изларини қолдирганлар. Темур ва темурийлар даври маданият, илм-фан гуркираб, гуллаб, яшнаган давр ҳисобланади. Бу даврда барпо этилган муҳташам бинолар, яратилган ёзма манбалар буни исботлаб турибди. Темурийлар даври воқеаларига доир жуда кўп манбалар мавжуд. Улардан бири Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” ёки арабчада аталишича “Матлаъ ас-саъдайн ва мажмъа ал-баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг кўшилиш жойи”) асари ҳисобланади. Бу асар Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг XV асрдаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихини ёритишида Ўзбекистон тарихи фани учун маълумотларга бой, қимматли бош манба сифатида хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўринбоев, А. Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари . Кириш сўз. Ўзбекистон , -Т., 2008.
2. Масjid мутасаддиси (А.С)
3. Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. - Т., 2006.
4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн.1-китоб. - Т., 2008.
5. Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандий. - Т.: Фан, 1965.
6. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. - Т.: Фан, 1997.